

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/27.02.2020.В.01.15 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

БОЙНАЗАРОВ БАХРОН РАИМОВИЧ

**АТРОФ-МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА ФТОР ВА АЙРИМ ОҒИР
МЕТАЛЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРУВЧИ
АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Бойназаров Бахрон Раимович

Атроф-муҳит объектларида фтор ва айрим оғир металлларнинг зарарли таъсирини камайтирувчи агробιοтехнологиясини ишлаб чиқиш.....

3

Бойназаров Бахрон Раимович

Разработка агробιοтехнологии снижающей вредное воздействие фтора и некоторых тяжелых металлов на объекты окружающей среды.....

30

Boynazarov Bakhron Raimovich

Development of agrobiotechnology to reduce the harmful effects of fluoride and some heavy metals in environmental objects.....

57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

60

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/27.02.2020.В.01.15 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

БОЙНАЗАРОВ БАХРОН РАИМОВИЧ

**АТРОФ-МУҲИТ ОБЪЕКТЛАРИДА ФТОР ВА АЙРИМ ОҒИР
МЕТАЛЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИНИ КАМАЙТИРУВЧИ
АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**11.00.05-Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан
оқилона фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Биология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.DSc/B146 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университети ва Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтларида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Джуманиязова Гульнара Исмаиловна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жобборов Баҳром Турғунович
биология фанлари доктори, доцент

Жулиев Мухиддин Комилович
биология фанлари доктори, доцент

Санакулов Акмал Лапасович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «27» июнь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология ва экология факултети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: +99871 227-15-44).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (91-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (+99871) 246-67-72.

Диссертация автореферати 2025 йил «26» май куни тарқатилди.

(2025 йил «26» майдаги 26-рақамли реестр баённомаси).



Raximova To'ra Uzoqovna

Ilmiy daraja beruvchi bir martalik Ilmiy kengash raisi,
biologiya fanlari doktori, professor

Allaberdiev Rustamjon Xamrayevich

Ilmiy daraja beruvchi bir martalik Ilmiy kengash kotibi,
biologiya fanlari nomzodi, dotsent

Jabbarov Zafar Abdukarimovich

Ilmiy darajalar beruvchi bir martalik
Ilmiy kengash qoshidagi ilmiy seminar raisi,
biologiya fanlari doktori, professor

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича жадал саноатлаштириш ва интенсив қишлоқ хўжалиги фаолияти атроф-муҳитда турли ҳил ифлослантирувчи моддалар, айниқса оғир металлларнинг тўпланишига олиб келди¹. Натижада, тупроқ таркибидаги оғир металлларнинг юқори даражаси агро- ва фитоценозларнинг сезиларли даражада ўзгаришига сабаб бўлиб, глобал экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, тупроқ-ўсимлик тизимини экологик-санитария ҳолатини баҳолаш, оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг токсиклигини камайтирадиган биологик усулларни ишлаб чиқиш, ўсимликларга ифлосланган тупроқлардан оғир металлларнинг миграциясини камайтириш ва кейинчалик экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг илмий асосланган услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда оғир металллар ва фтор бирикмалари билан ифлосланган тупроқларни унумдорлигини сақлаш ва ушбу таъсирларга нисбатан ўсимликларни чидамлилигини оширишда илмий асосланган агротехнологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларига қўлланилаётган ўғитлар тури ва меъёрларига қаратилган устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Бу борада, қишлоқ хўжалик ер майдонларининг гумус ҳолати, рН миқдори ва кўплаб консерватив хусусиятларига боғлиқ ҳолда минерал, органик ва биологик ўғитларни қўллаш, тупроқлардаги фосфатлар ва калий фракцияларини трансфармациясига турлича таъсир кўрсатиш ва улар таркибидаги озика моддаларни тупроқлар унумдорлигига таъсир қилишига қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда оғир металллар ва фтор бирикмалари таъсирида бўлган ҳудудларни рекультивация қилиш ва ушбу ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган ва муайян натижалар қўлга киритилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 17-июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида “...қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlashда замонавий, экологик ҳавфсиз агробiotехнологияларни жорий этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатимиз озик-овқат ҳавфсизлигини янада мустаҳкамлаш”² вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳудудларнинг антропоген ифлосланиш манбаларини ва кўламини аниқлаш, уларни бартараф этишда токсик моддаларни тури ва

¹ Сердюкова, А. Ф. Последствия загрязнения почвы тяжелыми металлами / А. Ф. Сердюкова, Д. А. Барабаншиков // Молодой ученый. — 2017. — № 51 (185). — С. 131-135.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 июн 2019 йилдаги ПФ-5742-сонли фармони «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»

микдорларини ҳисобга олиб, органик ўғитлар ва фиторемедиция услубларини қўллаш, амалиётга тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 30-октябрдаги ПФ-5863-сонли “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги³ фармони ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴

Саноат чиқиндилари, айниқса оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг токсиклигини камайтириш, унумдорлигини ошириш, буғдой ўсимлигида оғир металлларни тўпланишини камайтириш ва ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитларни, турли хил микроорганизмларнинг ролини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Center of Agrobiotech-nology and Bioengineering of Cadi Ayyad University (Морокко), Niigata University (Япония), Aligarh Muslim University, Banasthali University (Ҳиндистон), King Saud University (Саудия Арабистони) North-West University (Шимолий Африка), РФА Сибир бўлими А.В. Ржанов номидаги Ярим ўтказгичлар физикаси Институти, Кемерово давлат университети, Новосибирск давлат техника университети, Томск давлат университети, Д.К. Беляев номидаги Иваново давлат қишлоқ хўжалиги Академияси (Россия) олиб борилмоқда.

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларни токсиклигини камайтириш, унумдорлигини ошириш, ифлосланган тупроқларни биологик ва экологик ҳолатини яхшилаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Биоремедиация ва фиторемедиация услублари ёрдамида тупроқ-микроорганизм-ўсимликлар тизимида оғир металлларни тупроқларда тўпланиши, уларнинг токсиклиги камайиши аниқланган (Center of Agrobiotechnology and Bioengineering of Cadi Ayyad University, Niigata University); буғдой етиштиришда қўлланилган PGPR (ўсимликларни ўсишини ва ривожланишини жадаллаштирувчи ризобактериялар) тупроқлардаги оғир металлларнинг токсик таъсирини камайтирган, буғдой

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 октябр 2019 йилдаги ПФ-5863-сонли фармони.

"Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

⁴ <https://www.uca.ma>; <https://www.niigata-u.ac.jp>; <https://www.yyu.edu.tr>; <https://www.amu.ac.in>;
<http://www.banasthali.org>; <https://ksu.edu.sa>; <https://www.nwu.ac.za>; <https://www.isp.nsc.ru>;
<https://www.kemsu.ru>; <https://en.nstu.ru>; <https://www.tsu.ru>; <https://ivgsha.ru>

Ўсимлигини ўсиш ва ривожланишига яхши таъсир кўрсатган, тупроқларнинг экологик ҳолатини яхшилаганлиги аниқланган (Aligarh Muslim University, King Saud University); ифлосланган тупроқлардаги оғир металлларни токсиклиги камайтиришда микроорганизмларнинг маҳаллий штаммларини самараси юқорилиги ва уларни биосорбцияси, ферментларни ажратиш ёрдамида металлларни зарарсиз шаклларга ўтказиши, биоремедиацияда бактерияларни роли катталиги аниқланган (North-West University), оғир металллар билан ифлосланган тупроқларни биоремедиацияси учун бир қатор бактерия штаммлари асосида консорциум яратилган ва улар ажратган органик кислоталари натижасида оғир металллар зарарсиз шаклларга ўтган, қишлоқ хўжалиги экинлари билан биргаликда консорциумни қўлланилиши оғир металлларни тўпланишини камайтирган (Ржанов номидаги Яримутқазгичлар физикаси институти, Кемерово давлат университети, Новосибирск давлат техника университети, Томск давлат университети), оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитида гумус табиатли ўғитларни буғдой ўсимлигида қўлланилганда тупроқдаги оғир металлларни токсиклиги ва уларни буғдой ўсимлигида тўпланишини камайганлиги тасдиқланган (Иваново давлат қишлоқ хўжалиги Академияси).

Дунёда оғир металллар билан ифлосланган тупроқларни ремедиацияси бўйича, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқлардаги оғир металлларни токсиклиги ва тўпланишини камайтириш; фиторемедиация ва биоремедиацияни мажмуавий қўллаш; тупроқларни оғир металллардан тозалаш билан биргаликда қишлоқ хўжалиги экинларини хосилдорлигини ошириш; тупроқларни унумдорлиги ва экинларни маҳсулдорлигини ошириш учун бактериал ва органик ўғитлардан фойдаланиш; биоремедиация ёрдамида оғир металллар билан ифлосланган майдонларни қишлоқ хўжалигига қайтариш; оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда биологик ўғитлар ёрдамида экологик зарарсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина давлатларда оғир металллар ва фторидларнинг тегишли концентрацияларида ўсимликлар, ҳайвонлар, шунингдек, тупроқ микроорганизмлари учун зарарли таъсир оқибатларини бир қатор хорижий олимлар ўз тадқиқотларида баён этганлар К.С.Пал (2014), М.Баунтиал, С.Рангар (2014), Н.К.Монда (2015), токсик моддалар билан ифлосланган тупроқларни зарарсизлантиришда гумус табиатли органик моддалардан фойдаланишнинг аҳамиятини Е.И.Ермаков, А.В.Кравец (2011), ўсимликларни экологик омиллар зарарли таъсирига нисбатан чидамлилигини оширишда *Bacillus* авлодига мансуб бактериялар асосида микробиологик препаратлардан фойдаланишнинг афзалликларини ўрганилган L.Rajendran (2008), Y.Z.Zhang (2012). Шу билан биргаликда, бугунги кунда дунё амалиётида, ўсимликларни экологик омилларнинг зарарли таъсирига нисбатан чидамлилигини оширишда гумус табиатли органик моддалар ва ўсимликларни ўсишини рағбарлантирувчи

ризобактерияларни биргаликда қўллаш борасида M.Busato (2012), E.Puglisi (2013), L.P.Canellas, (2014) илмий тадқиқотлар олиб борилганлар.

Мамлакатимизда Н.Норбоев (2006), Х.Т.Рисқиева (2010), М.А.Наседжанов (2010), С.А.Низомов (2010), Х.Х.Турсунов (2007), Х.Каримов (2023), З.Жабборов (2024), Б.Т.Жабборов (2025) каби олимларнинг оғир металллар ва фторидларнинг тупроқ ва ўсимлик тизимига зарарли таъсирини ўрганиш буйича изланишларини олиб борган. Лекин, тупроқ-ўсимлик тизимига оғир металллар ва фторидларнинг зарарли таъсирини камайтиришда органик ва биологик ўғитлар мажмуасини биргаликда қўллаш меъёрлари ва муддатлари борасида етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Мавжуд муаммони бартараф этиш учун тупроқ-ўсимлик тизимига оғир металллар ва фторидларни зарарли таъсирлари камайтирувчи агробиотехнологик усулларини ишлаб чиқиш, ечимини кутаётган долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқотлари Тошкент Давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўсимликларга физик факторларни таъсири ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, агрофизика фанини ўқитиш услубларини такомиллаштириш, табиий биологик фаол моддалар, юқори молекуляр бирикмалар, экологик муаммолар ва қишлоқ хўжалик олийгоҳларида олий математика фанини ўқитишни такомиллаштириш муаммолари» илмий мавзуси (2017-2021йй.), Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг ПЗ-202008211 сонли «Фторли бирикмалар билан ифлосланган тупроқларни физиологик ҳолатини яхшилаш учун экологик ҳавфсиз, биологик фаол препаратлар яратиш» (2021-2023йй.) амалий тадқиқотлари лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атроф-муҳит объектларида фтор ва айрим оғир металлларнинг зарарли таъсирини камайтирувчи агробиотехнологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот ҳудуди тупроқларининг оғир металллар билан ифлосланиш ҳолатини ўрганиш;

тупроқлар таркибидаги оғир металллар ва фторидларларни зарарсизлантириш даражасини аниқлаш;

фтор билан ифлосланган тупроқларда ферментларнинг фаолликларини ўзгаришини ўрганиш;

лаборатория шароитида фтор бирикмалар билан ифлосланган тупроқларда Teria-S бактериял ўғитидан фойдаланилганда кузги буғдойнинг биометрик параметрларининг ўзгаришини аниқлаш;

оғир металллар ва фторидлар билан ифлосланган тупроқ шароитларида органик ва биологик ўғитлар таъсирида тупроқларнинг агрокимёвий

хоссаларга ва кузги буғдой ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитларида органик ва биологик ўғитлардан фойдаланганда тупроқда, кузги буғдой ўсимлигини органлари, донларида оғир металлларнинг миқдорлари ва донларида сифат кўрсаткичларини ўзгаришига таъсирини ўрганиш;

оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитларида органик ва биологик ўғитларидан фойдаланганда тупроқ микроорганизмларининг асосий гуруҳлари сонини аниқлаш;

фтор бирикмалари билан ифлосланган тупроқ шароитларида кузги буғдой етиштиришда органик ва биологик ўғитларидан фойдаланганда тупроқ ва ўсимлик органларида сувда эрувчан фтор бирикмаларининг миқдорини ўзгаришига таъсирини ўрганиш;

кузги буғдойни оғир металллар ва фтор билан ифлосланган тупроқларда етиштиришда саноат чиқиндиларининг захарлилигини камайтириш бўйича янги агробιοтехнологияни яратиш ва таъсир қилиш механизмининг асослаш;

агробιοтехнологик тадбирларини иқтисодий сарф-харажатларини ва амалиётда фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрганилган ҳудуд Тожикистон алюминий компаниясининг фтор бирикмаларининг зарарли таъсирида бўлган Сурхондарё вилоятининг ифлослантирувчи манба (ТожАК) дан 15, 50, 75 ва 100 км масофада суғориладиган типик ва оч тусли бўз тупроқлар, Тошкент вилоятида жойлашган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” 11-15 км радиусда жойлашган ҳудудда суғориладиган типик бўз тупроқлар, кузги буғдой, минерал ўғитлар (NPK), K-Gumat органик ўғити, Rizokom-2 ва Serhosil биопрепаратлар, Teria-S янги авлод бактериал ўғити ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тупроқнинг агрокимёвий, биокимёвий ва микробиологик хусусиятлар, кузги буғдойнинг биометрик ва доннинг сифат кўрсаткичлари, фтор ва айрим оғир металлларнинг атроф-муҳит объектларига зарарли таъсирини камайтирувчи агробιοтехнологиялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларини ўтказиш, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш «Методические рекомендации по проведению полевых и лабораторных исследований почв и растений при контроле загрязнения окружающей среды металлами» услубномасидан, тупроқдаги оғир металллар ва бошқа бирикмалар Масс-спектрал таҳлил Россияда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистонда тасдиқланган ўлчаш тартиби (MVI) O`zO`U 0677:2015 (MVI №499-AEM/MS) ёрдамида, фтор ионлари миқдори потенциометр услубида (ПНД Ф 16.1.54-2008), амалий тадқиқотлардан олинган миқдорий белгиларнинг рақамли кўрсаткичларини қайта ишлашда Б.А.Доспехов услубидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда NPK, K-Gumat ўғити, Teria-S ва Serhosil биопрепаратларини мажмуавий қўлланилиши

тупроқнинг агрохимёвий кўрсаткичларига ижобий таъсирини очиб берилган;

илк бор худуднинг тупроқ шароитларида фтор ва оғир металллар миқдорларини камайтиришда минерал NPK, органик K-Gumat ўғити ва биологик Teria-S ва Serhosil ўғитларни мажмуавий қўлланилиши натижасида тупроқдаги аммонификаторлар ва олигонитрофиллар - 2 тартибга, фосфор-парчаловчи бактериялар сони 3 тартибга назорат вариантыга нисбатан кўтарилганини илмий асосланган;

фтор бирикмалари билан ифлосланган тупроқ шароитида фторнинг ҳаракатчан шаклларни камайтиришда K-Gumat нинг кам миқдорлари (0,15 мл/100 г тупроққа) ижобий самара бериши илмий асосланган;

илк бор худуднинг тупроқ шароитларида тупроқни соғломлаштириш ва кузги буғдой ўсимликларида оғир металллар ва фтор миқдорларини камайтиришда Rizokom-2 биопрепарати (1,5 л/га), K-Gumat органик ўғити (200 л/га), Teria-S бактериал ўғити (1,5 л/га) ва Serhosil биопрепаратларини (20 л/га) миқдорларида қўлланилиши илмий томондан исботланган;

илк бор фтор бирикмалари билан ифлосланган тупроқларда буғдой етиштиришда NPK, K-Gumat органик ўғити, Teria-S бактериал ўғити ва Serhosil биопрепаратларини мажмуавий қўлланилиши тупроқларга фторнинг токсик таъсирини камайтирганини ва агрономик муҳим бўлган азот (0,085-0,109%), фосфор (0,145-0,155%) ва калий (0,9-0,96%) элементларини миқдори биоўғитлар қўлланилмаган вариантларга нисбатан кўпайиши илмий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг оғир металллар билан ифлосланган тупроқларида кузги буғдой ўсимликларида минерал NPK ва K-Gumat органик ўғити, Teria-S бактериал ўғити ва Serhosil биопрепарати комплекс қўллаш бўйича дала синовлари ўтказилди;

тадқиқот худудининг оғир металллар ва фтор билан ифлосланган тупроқларида кузги буғдой ўсимлигига минерал NPK ва K-Gumat органик ўғитини, Teria-S бактериал ўғитини ва Serhosil биопрепаратини комплекс қўллаш натижасида тупроқда фтор ва айрим оғир металлларнинг ҳаракатчан шакллар камайган;

оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитларида кузги буғдой етиштиришда $N_{180}P_{110}K_{65}$ кг/га ва K-Gumat органик ўғити (200 л/га), Teria-S бактериал ўғити (1,5л/га) ва Serhosil биопрепарати (20л/га) ишлов бериш асосида янги илмий асосланган агробиотехнология яратилган;

тадқиқот худудининг оғир металллар ва фтор билан ифлосланган тупроқларида кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil биоўғитлар мажмуасини қўлланилиши натижасида 5 ц/га ва NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil биоўғитлар мажмуасини қўлланилганда эса - 7 ц/га назоратга нисбатан кўшимча дон ҳосил олинган;

агробиотехнологиядан фойдаланилганда, буғдойнинг илдиз ҳосил бўлиши, ўсимликларни ўсиши, ривожланиши ва доннинг сифат

кўрсаткичлари назоратга нисбатан яхшиланиб, рентабеллик 89,5% бўлган, (назоратда 48,7%);

турли саноат корхоналари атрофида кузги буғдой етиштиришда яратилган агробиотехнологиядан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлик аниқланди ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар бир тадқиқот тажрибаси камида 3 марта такрорланганлиги билан тасдиқланади, бу ўртача, энг ишончли ва барқарор натижани топишга имкон берди. Экспериментал маълумотларни статистик қайта ишлаш STATISTICA 6.0 компьютер дастури ва хатолар, ўртача кўрсаткичлар, ишонч интерваллари ва стандарт оғишларни ҳисоблашнинг стандарт усуллари ёрдамида амалга оширилди. Муайян тажриба натижаларини математик таҳлил қилиш учун мос усулни танлашда тегишли адабиётларда берилган тавсияларга амал қилинди. Натижаларнинг статистик аҳамиятини аниқлаш учун Стъудент t-критерий ҳисоблаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - фтор ва айрим оғир металлларнинг зарарли таъсирига нисбатан гумус табиатли органик моддалар ва фойдали бактерияларнинг кўп функцияли хоссалари токсик моддалар билан ифлосланган тупроқларнинг унумдорлиги, буғдойнинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларини оширишдаги роли, ҳамда тупроқ таркибидаги фтор ва оғир металлларнинг ҳаракатчан шакллари назоратга нисбатан камайишини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - яратилган янги агробиотехнологияни қўлланилиши натижасида оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиши оқибатида буғдойнинг сифат кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги ошиши, иқтисодий ва экологик самарадорлигига эришилган. Агробиотехнологиядан фойдаланиш натижасида буғдой ҳосилдорлигини назоратга нисбатан қўшимча ҳосил гектарига 7 центнерга ошган. Иқтисодий самарадорлик гектарига 5 506 000 сўмни ташкил этган. Комплекс органик минерал ўғит олиш усули бўйича № FAR 2429 28.11.2023 фойдали моделга патент олинган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атроф-муҳит объектларида фтор ва айрим оғир металлларнинг зарарли таъсирини камайтирувчи агробиотехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитида кузги буғдой ўсимлигини етиштириш агробиотехнологияси” ва “Қишлоқ хўжалик экинларини фтор бирикмаларининг зарарли таъсирларига нисбатан чидамлилигини ошириш” номли тавсияномалар фермер хўжаликлари амалиётига жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрда 05/06-04-476-сон маълумот-номаси). Натижада, ушбу тавсиянома экология ва қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, саноат чиқиндилари билан нисбатан ифлосланган ҳудуд ерларидан фойдаланувчиларга тупроқларни соғломлаштишда ҳамда

бошоқли дон маҳсулотларни етиштирувчи дехқон ва фермер хўжалик ходимларига тавсиянома сифатида хизмат қилган;

оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда K-Gumat ўғити, Teria-S ва Serhosil биопрепаратлари Тошкент вилояти “Олмалик конметаллургия комбинатининг” истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликнинг 150,0 гектар ер майдонида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрда 05/06-04-476-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқнинг агрокимёвий кўрсаткичларидан ҳаракатчан азот 3 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 6,1 мг/кг ва ҳаракатчан калий 84 мг/кг га, микробиологик кўрсаткичларидан аммонификаторлар - 2 тартибга ($2,0 \times 10^6$ дан $7,4 \times 10^8$ КХБ/г гача), фосфор парчаловчи бактериялар - 3 тартибга ($2,2 \times 10^3$ дан $7,2 \times 10^6$ КХБ/г гача), олигонитрофиллар - 2 тартибга ($6,9 \times 10^5$ дан $9,3 \times 10^7$ КХБ/г гача) назоратга нисбатан ошириш имконини берган;

оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитларида кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда K-Gumat органик ўғитини тупроқга, Teria-S бактериал ўғитини уруғларга ва Serhosil биопрепаратини баргларга ишлов бериш асосида янги илмий асосланган агробиотехнологияси Тошкент вилояти “Олмалик конметаллургия комбинатининг” истеъмол моллари ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли фермер хўжаликка жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрда 05/06-04-476-сон маълумотномаси). Натижада, саноат чиқиндилари билан нисбатан ифлосланган ҳудуд тупроқларини соғломлаштириш ҳамда бошоқли дон маҳсулотларини ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

«оғир металллар билан ифлосланган тупроқ шароитида кузги буғдой ўсимлигини етиштириш агробиотехнологияси» номли тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 15 августдаги 03-03/3-7927-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдой ўсимлигига оғир металлларнинг зарарли таъсири балки, атроф муҳитни ифлослантурувчи бошқа физикавий-кимёвий омилларга нисбатан чидамлилигини ошириш услублари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, экология, табиатни муҳофаза қилиш фанлари амалий машғулотларида ҳамда ишлаб чиқаришда экология (қишлоқ хўжалик) мутахассислари учун фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий ишлар, шундан 19 та илмий мақолалар, 2 та тавсиянома чоп этилган ва 1 та патент олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган республика

журналларида 6 та мақола ва хорижий 5 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 183 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарб-лиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, ҳамда тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсиф берилган. Бажарилган тадқиқотнинг мамлакатимиз фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишга мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг "**Атроф-мухит объектларида оғир металллар ва фторидларнинг зарарли таъсирини камайтиришда гумус табиатли органик моддалар ва микроорганизмларнинг таъсири**" деб номланган биринчи бобида хориж ва МДХ давлатлари тупроқ-ўсимлик тизимида оғир металллар ва фтор бирикмаларини зарарли таъсир механизмлари ва уларни камайтириш услублари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда органик ўғитлар ва турли хил микроорганизмларни қўлланилиши тупроқдаги токсик моддаларни зарарли таъсирини камайтириши ҳақидаги адабиётлар таҳлили келтирилган.

Диссертация ишининг иккинчи боби "**Тадқиқот ўтказиш шароити ва усуллари**" деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг объектлари, гумус табиатли органик моддаларни ва биоўғитларни фтор ионларига таъсирини ўрганиш усуллари, оғир металллар ва фторидлар таъсирида бўлган ҳудудларида дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тадқиқотларни бажариш жараёнида экологик, микробиологик, биокимёвий, агрокимёвий, биотехнологик, спектрометрик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилди. Тадқиқотларга статистик ишлов бериш Microsoft Office Excel 2013 дастури ва умумий қабул қилинган математик услубларда таҳлил қилинди.

Диссертациянинг "**Саноат чиқиндиларини зарарли таъсирини камайтириш учун гумус табиатли моддалардан фойдаланиш**" деб номланган учунчи бобида тадқиқот ҳудудларини ҳарорати, ёғингарчилик миқдори, шамол йўналишлари ва атмосферанинг ифлосланиш индекслари Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлигининг маълумотлари асосида илмий таҳлил қилинган. Кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда оғир металлларнинг ва фтор бирикмаларининг зарарли таъсирини камайтиришда қўлланиладиган органик ўғитлар, фойдали бактерияларнинг энг мақбул турларини ва меъёрларини лаборатория шароитида аниқлашга доир тажрибалар олиб борилган.

"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖнинг атрофидаги ҳудудлари ҳамда комбинатнинг хўжалик ҳисобидаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган ҳудудлар тупроқларни токсик таъсирини камайтиришда

бентонит ва гуминли моддаларни турли меъёрларни қўллаш ёрдамида дезактивациялаш тадқиқотлари бажарилди.

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқга кам миқдорда Калий гуматни (K-Gumat) киритилиши бентонит билан солиштирилганда оғир металлларни сувда эрувчан шаклини яхшироқ камайишига олиб келиши аниқланди. 100 гр тупроқ намунасига 0,15 мл K-Gumat қўшилганда оғир металлларни ўзлашувчанлик даражаси (K*) яъни сувда эрувчан шакллари Pb 3,3%, Cd 3,23%, Zn 5,0%, Cr 9,53%, Ni 12,76%, Cu 13,15%, Co 6,95% гача камайиши, 0,3 мл қўшилганда Pb 1,55%, Cd 2,11%, Zn 2,68%, Cr 4,4%, Ni 10,3%, Cu 11,58%, Co 3,69% гача камайишини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

**Тупроқ таркибидаги оғир металлларнинг сувда эрийдиган шакллари
K-Gumat ва бентонит таъсирида ўзгариши, г/т**

№	Вариантлар		Pb	Cd	Zn	Cr	Ni	Cu	Co
1	Тупроқ намунаси (ТН)	Умумий	180	2,60	500	43,0	29,0	190,0	9,20
		Ўзлашувчан	6,0	0,084	25,0	4,10	3,70	25,0	0,640
		K*	3,3	3,23	5,0	9,53	12,76	13,15	6,95
2	ТН, 0,15 мл K-Gumat	Ўзлашувчан	3,60	0,067	16,0	1,70	3,0	23,0	0,450
		K*	2,0	2,57	3,2	3,95	10,3	12,11	4,89
3	ТН, 0,3 мл K-Gumat	Ўзлашувчан	2,80	0,055	13,4	1,90	3,0	22,0	0,340
		K*	1,55	2,11	2,68	4,4	10,3	11,58	3,69
4	ТН, 0,5 мл K-Gumat	Ўзлашувчан	2,50	0,037	17,0	1,55	2,5	19,0	0,295
		K*	1,38	1,42	3,4	3,6	8,62	10,0	3,20
5	ТН, 1,5 г бентонит	Ўзлашувчан	1,60	0,047	21,0	1,40	2,80	19,0	0,430
		K*	0,89	1,80	4,2	3,25	9,65	10,0	4,67
6	ТН, 0,15 мл K-Gumat 1,5 г+ бентонит	Ўзлашувчан	2,90	0,039	16,2	1,10	2,70	17,0	0,440
		K*	1,61	1,5	3,24	2,55	9,3	8,9	4,78
7	ТН, 0,3 мл K-Gumat 3 г+ бентонит	Ўзлашувчан	3,10	0,037	12,0	2,10	2,60	18,2	0,470
		K*	1,72	1,4	2,4	4,88	8,96	9,57	5,10

Изох: K* - металнинг ўзлашувчанлик даражаси

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда K-Gumatдан фойдаланиш ўз самарадорлигини кўрсатди. K-Gumatнинг кам (100 г тупроқда 0,15 мг) миқдорлари бентонитга қараганда юқори дезактивация таъсирга эга экан. Фтор бирикмалари билан зарарланган тупроқларга 0,05% концентрацияли K-Gumat эритмаси гектарига 200 литр қўшилганда 1 суткадан сўнг - 38,65%, 15 суткадан сўнг - 36,40 %, 30 суткадан сўнг - 32,61% гача сувда эрийдиган фтор миқдори камайган бўлса, ушбу оғирлик нисбатида, абсорбция шаклдаги фтор иони 1 суткадан сўнг - 44,53%, 15 суткадан сўнг - 42,45%, 30 суткадан сўнг - 38,83% камайганлиги аниқланди. 0,05% концентрацияли K-Gumat эритмаси 700 л/га қўшилганда 1 суткадан сўнг - 30,86%, 15 суткадан сўнг - 29,07 %, 30 суткадан сўнг -26,05% гача сувда эрийдиган фтор миқдори камайган бўлса ушбу оғирлик нисбатида, абсорбция шаклдаги фтор иони 1 суткадан сўнг - 35,92%, 15 суткадан сўнг - 34,24%, 30 суткадан сўнг - 31,32% камайган. Бу натижалар фтор билан ифлосланган тупроқ шароитларида кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда

тупроқга гектарига 0,05 % концентрацияли К-Gumat эритмасидан гектарига 200 литр қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Саноат чиқиндиларини токсиклигини камай-тиришда ризобактериялардан фойдаланиш” деб номланган туртинчи бобида кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда оғир металлларнинг ва фтор бирикмаларининг зарарли таъсирини камайтиришда қўлланиладиган буғдой ризобактерияларнинг энг мақбул турларини лаборатория шароитида аниқлашга доир тажрибалар олиб борилган.

Pb²⁺ ва Cu²⁺ каби оғир металллар ҳар хил концентрацияларда ГРМ озуқа муҳитига қўшилганда *Bacillus* авлодига мансуб буғдой ризобактерияларини ўсиш фаолияти ўрганилди. Тадқиқотлар натижасида Rizokom-2 биопрепаратининг 5 та *Bacillus subtilis* буғдой ризобактериялар штамлари ГРМ муҳитида ҳам ва ГРМ муҳитига Pb(NO₃)₂ нинг ҳар хил концентрациялар қўшилганда ҳам яхши ўсганлиги аниқланди. Кейинги тадқиқотлар натижалари буғдой ризобактерияларининг барча 5 *Bacillus subtilis* штамлари фақат назоратда ГРМ озуқа муҳитида ва ГРМ озуқа муҳитига CuSO₄ 0,1 г/л қўшилганда ҳам яхши ўсганлиги аниқланди. CuSO₄ концентрациясининг 0,5 ва 1,0 г/л га ошиши билан буғдой ризобактериялари штамларининг ўсишини пасайишини кўрсатди (2,3-жадвал)..

2- жадвал

Буғдой ризобактерияларининг ўсиш фаоллигига Pb(NO₃)₂ нинг турли концентрацияларининг таъсири

№	Буғдой ризобактерияларининг штамлари	Назорат-ГРМ озуқа муҳити	Тажриба – ГРМ озуқа муҳити + Pb(NO ₃) ₂ турли концентрациялари, г/л		
			0,1	0,5	1,0
1	<i>Bacillus subtilis</i> , 26	+++	+++	+++	+++
2	<i>Bacillus subtilis</i> , 56	+++	+++	+++	+++
3	<i>Bacillus subtilis</i> , 62	+++	+++	+++	+++
4	<i>Bacillus subtilis</i> , 64	+++	+++	+++	+++
5	<i>Bacillus subtilis</i> , 66	+++	+++	+++	+++

Изох: +++ - яхши ўсиш, ++ - ўрта ўсиш, + - заиф ўсиш

3- жадвал

Буғдой ризобактерияларининг ўсиш фаоллигига CuSO₄ нинг турли концентрацияларининг таъсири

№	Буғдой ризобактерияларининг штамлари	Назорат- ГРМ озуқа муҳити	Тажриба – ГРМ озуқа муҳити+ CuSO ₄ турли концентрациялари, г/л		
			0,1	0,5	1,0
1	<i>Bacillus subtilis</i> , 26	+++	++	++	++
2	<i>Bacillus subtilis</i> , 56	+++	+++	+	+
3	<i>Bacillus subtilis</i> , 62	+++	+++	+	+
4	<i>Bacillus subtilis</i> , 64	+++	+++	+	+
5	<i>Bacillus subtilis</i> , 66	++	++	++	+


Изох: +++ яхши ўсиш, ++ ўрта ўсиш, + заиф ўсиш

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида, Сурхондарё вилоятининг ифлослантурувчи манба Тожикистон алюминий заводидан чиқаётган фторидларнинг зарарли таъсирида бўлган 16, 50, 75 ва 100 км масофалардаги тупроқларнинг ферментатив фаоллиги ўрганилди. Уреза

ферменти фаоллиги назорат худуди ҳисобланган, манбадан 100 км узокликдаги фтор билан кучсиз ифлосланган тупроқларининг 0-10 см қатламларида, 75,50 ва 16 км узокликда назоратга нисбатан 1,8%,11,6% ва 16,3%га камайган. Худди шунингдек мос равишда манбадан 100 км узокликдаги 10-25 см қатламларидаги тупроқ намуналарида, назорат худудига нисбатан, 75, 50 ва 16 км узокликда 15,2 %, 18,9% ва 21%га камайганлигини аниқланди.

Фосфатаза фаоллиги тупроқларининг 0-10 см қатламларида назорат худудига нисбатан, яъни манбадан 100 км узокликдаги худуд, 75, 50 ва 16 км узокликдаги тупроқ намуналарда 4,1%, 6,1% ва 9,8% га камайган бўлса, 10-25 см ли қатламдаги тупроқ намуналарида, назорат худудига нисбатан, 75, 50 ва 16 км масофаларда мос равишда 0,95%, 2,37% ва 12,8%га камайганлигини аниқланди. Каталаза фаоллиги назорат худуди, яъни манбадан 100 км узокликдаги тупроқларнинг 0-10 см ли қатламларида ва 75, 50 ва 16 км узокликдаги намуналарда 39,6%, 45,6% ва 46,2%га камайган бўлса, 10-25 см қатламларидаги тупроқ намуналарида назорат худудига нисбатан 75, 50 ва 16 км узокликда 45,2%, 47,3% ва 47,9%га камайганлигини аниқланди. Ифлос-ланган тупроқларда каталаза фаоллигининг пастлиги ушбу тупроқларда тирик организмлар учун зарарли ҳисобланган NaF ни тўпланаётганидан далолат беради. Ўрганилган деярли барча ферментлар фаоллиги, асосан, устки энг биологик фаол қатламларда намоён бўлди. Бироқ, айрим кесмаларнинг қуйи қатламларида карбонатлар миқдориға боғлиқ ҳолда каталаза фаоллиги бирмунча камайганлиги кузатилди.

Teria-S бактериял ўғитини кузги буғдой кўчатларининг ўсиш ва ривожланишига ва биометрик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш бўйича фтор бирикмалари билан ифлосланган тупроқларда лаборатория шароитида тадқиқотлар олиб борилди (1-расм).



1-расм. Teria-S бактериял ўғитининг турли даражадаги фтор билан ифлосланган тупроқларда 30 кунлик буғдой кўчатларининг

Тажриба вариантларида буғдой уруғларига Teria-S бактериял ўғити билан экишдан олдин ишлов берилди ва назоратда уруғларга сув билан

ишлов берилди. Буғдой билан 30 кунлик лаборатория тажрибасидан сўнг буғдой кўчатларининг биометрик кўрсаткичларини ўрганилди. Тажриба вариантларида буғдой уруғларининг яхши униб чиқиши ва кўчатларнинг кейинги ривожланиши сув билан ишлов берилган уруғларга нисбатан яхши бўлганини аниқланди.

Диссертациянинг бешинчи бобида “Гумус табиатли органик ўғитлар ва микробиологик биопрепаратлар ёрдамида оғир металлларнинг зарарли таъсирини камайтириш” ўтказилган дала тажрибалари натижалари келтирилган.

Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли хўжалигининг экин майдонларида 2020-2021 йй. кузги буғдой ўсимлигининг буғдойнинг “Тануа” нави билан тажрибалар олиб борилди. Тажриба вариантларида кузги буғдой ўсимлигини экишдан олдин тупроқларга минерал ($N_{150}P_{250}K_{65}$ кг/га) ва K-Gumat органик ўғитлари билан ишлов берилди (200 л/га) ва уруғларига Rizokom-2 комплекс таъсир этувчи биопрепарати (1,5л/га) билан экишдан олдин ишлов берилиб экилди ва Serhosil биопрепарати (20 л/га) билан вегетация давомида барглар орқали 2 марта озиклантирилди. Назорат вариантларида тупроқларга фақат NPK берилди ва буғдой уруғлари экилди.

Тупроқ таркибидаги оғир металллар миқдорини камайтириш ва буғдой ўсимлигини ўсиш ва ривожланишини яхшилаш мақсадида қўлланилган K-Gumat органик ўғити ва Rizokom-2 бактериал биопрепаратини оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг агрохимикёвий хоссаларининг ўзгаришига таъсири ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал
Кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда K-Gumat органик ўғит, Rizokom-2 ва Serhosil биопрепаратлар фойдаланилганда оғир металллар билан ифлосланган тупроқларнинг агрохимикёвий хоссаларининг ўзгариши (май, 2021 й.)

№	Тажриба вариантлар	рН	Гумус, %	Гумус углероди, (С, %)	N		P		K	
					Умумий %	Харакаг чан, мг/кг	Умумий %	Харакаг чан, мг/кг	Умумий %	Харакаг чан, мг/кг
1	Назорат NPK	8,8	1,22	0,71	0,085	11,0±0,04	0,145	9,6±0,5	0,9	301±0,1
2	NPK+K-Gumat	8,7	1,37	0,80	0,096	14,1±0,07	0,15	10,8±0,4	0,93	301±0,4
3	NPK+ Rizokom-2	8,6	1,75	1,02	0,116	19,1±0,1	0,16	14±0,8	1,02	397±0,9
4	NPK+K-Gumat+Rizokom+ Serhosil	8,0	1,56	0,91	0,109	14,1±0,08	0,155	15,6±0,7	0,96	385±0,9


Тупроқларнинг агрохимикёвий таҳлиллари натижасида, гумус миқдори NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil қўлланилган тажриба вариантыда назоратга нисбатан 1,22;1,37;1,75;1,56 %га ошган. Тажриба вариантларида гумус ва гумус углеродини назорат вариантларга нисбатан ошиши, тупроқларда табиий гумус ҳосил бўлиш жараёнларини яхшиланганлигидан далолат беради. Назорат вариантыда рН кўрсаткичи 8,8 га тенг бўлса, NPK,

K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil тажриба вариантида эса рН кўрсаткичи 8,0 га камайганлиги аниқланди.

Тупроқларга NPK ва K-Gumat органик ўғитини билан ишлов берилганда, назоратга нисбатан ҳаракатчан шаклдаги N-28,2%, P-12,5%га ошганлигини, ҳаракатчан K ўзгармаган. NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil қўлланилган тажриба вариантида эса назоратга нисбатан ҳаракатчан шаклдаги N - 28,2%, P - 62,5 % га ва K – 27,9% га ошганлигини кузатилди.

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда тузларнинг миқдорини ўзгаришига органик ўғит ва биопрепаратлар таъсири ўрганилди (2-расм).

Натижаларга кўра, NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil қўлланилган вариантида тузлар миқдори бошқа вариантларга нисбатан кескин камайганлиги аниқланган. Назорат вариантыга нисбатан $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$ миқдори 18% га, CaSO_4 - 33% га ва токсикмас тузлар суммаси - 9,7% га камайган. Токсик бўлган тузлардан MgSO_4 миқдори 23%га, Na_2SO_4 - 13%, NaCl - 25% га ва токсик тузларнинг суммаси - 15,7% га ва умумий тузлар миқдори - 14,9% га назорат вариантыга нисбатан камайганлиги аниқланди.




2-расм. Кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда органик ўғит ва биопрепаратлар фойдаланилганда тупроқларда тузлар миқдорини ўзгариши

Олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра, NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil вариантида, кузги буғдой уруғларнинг унувчанлиги 95% гача ортгани кузатилди, назоратда эса бу кўрсаткич 90% ни ташкил этди.

Тажрибалар олиб борилган тупроқлар оғир металллар билан зарарлангани сабабли кузги буғдой ўсимлигини вегетатив ва генератив органларида тўпланган оғир металлларнинг миқдорларини ўзгаришлари ўрганилди.

Олинган маълумотларга кўра, NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil органик ўғит ва биопрепаратларнинг биргаликда қўлланилиши ўрганилганда тупроқдаги барча металлларнинг ҳаракатчанлигини пасайишига олиб келди. Тупроқдаги миснинг ҳаракатчан шаклларининг таркиби 66% га нисбатда камайди. Айниқса рух назоратга нисбатан 75 % га камайганлиги аниқланди (3- расм).




3-расм. Органик ўғит ва биопрепаратлар мажмуаси таъсирида тупроқларда оғир металлларнинг миқдорларини ўзгариши, мг/кг (июн, 2021 й., n=3)

NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil органик ўғит ва биопрепаратлар мажмуавий қўлланилганда буғдой ўсимлигининг илдизларида оғир металллардан Rb - 7 %, Cu - 11,5%, As-13%, Cr - 22,6 %, Pb -28 %, Co - 39%, V - 42%, U - 51%, Cd - 68% ва Zn - 68,6 % га назоратга нисбатан камайганлиги аниқланди.

Органик ўғит ва биопрепаратлар мажмуавий қўлланилиши натижасида: - буғдой ўсимлигининг поясида оғир металлларнинг миқдорлари Rb - 23 %, Cu - 23%, As-24%, Cr - 25 %, Pb -32 %, Co - 36%, V - 44%, U - 57%, Cd - 66% ва


Zn - 76 %,га назорат вариантларига нисбатан камайганлиги аниқланди; - буғдой ўсимлигининг донлар таркибида оғир металлларнинг Rb - 20 %, Cu - 30%, As-45%, Cr - 47 %, Pb -55 %, Co - 60%, V - 68%, U - 68%, Cd - 77% ва Zn - 78 % га назорат вариантларга нисбатан камайганлиги аниқланди (4-расм).



4-расм. Органик ўғит ва биопрепаратлар таъсирида кузги буғдой ўсимлигининг илдизи, пояси ва донларида оғир металлларнинг миқдорларини ўзгариши (ўртача, n=3), мг/кг

Келтирилган таҳлиллар натижалари кузги буғдойни етиштиришда NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil ўғитлар мажмуасидан фойдаланилиши ўсимлик органлари ва донларида оғир металлларнинг тўпланишини камайтирганлигидан далolat беради. Кейинги тажрибаларда оғир металллар

билан зарарланган тупроқларда органик ўғит ва биопрепаратлар таъсирида кузги буғдой ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларини ўзгаришини ўрганилди. Биометрик кўрсаткич-ларининг ўзгаришлари кузги буғдой ўсимлиги вегетация даврининг охирида, яъни июн ойида ўрганилди (5-расм).



5-расм. Органик ўғит ва биопрепаратларни кузги буғдой ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига таъсири (июн, 2021й., ртача, n=5)

Органик ўғит ва биопрепаратлар мажмуавий қўлланилган тажриба вариантларида буғдойнинг биометрик кўрсаткичлари назорат вариантига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди.

NPK, K-Gumat, Rizokom-2 ва Serhosil ўғитлар мажмуасидан фойдаланганда, назоратга нисбатан илдизларнинг ўртача оғирлиги 4,17 г, пояларнинг ўртача оғирлиги 8 г, бошоқларнинг ўртача оғирлиги эса 0,7 г га ошганлиги аниқланди.

Атроф-муҳитнинг саноат чиқиндилари билан, шу жумладан оғир металллар билан ифлосланиши кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигига ва ҳосил сифатининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Шу сабабли, оғир металлларнинг зарарли таъсирида бўлган худудларда етиштирилган кузги буғдой донининг сифат кўрсаткичларини органик ўғит ва биопрепаратлар таъсирида ўзгариши ўрганилди (5-жадвал).

**5-жадвал
Органик ўғит ва биопрепаратларни кузги буғдой донининг сифат кўрсаткичларига таъсири**

№	Тажриба вариантлари	Дон натураси, г	Клейковина микдори, %	ИДК ед.%	1000 дона дон вазни, г	Шаффофлиги, %
1	Назорат, NPK	758	21,0	74	40,0	50,0
2	NPK +K-Gumat	776	21,1	75	40,7	50,5
3	NPK +Rizakom-2	780	21,2	78	41,0	51,6
4	NPK+K-Gumat+Rizokom-2+Serhosil	829	22,0	84	42,3	52,4

Тупроқларга NPK ва K-Gumat органик ўғит берилганда ва буғдой донларга Rizokom-2 биопрепарати билан экишдан олдин ишлов берилиб экилганда ва ўсимликнинг вегетация даврининг 2 ва 3 фазаларида Serhosil

биопрепарати билан барг орқали озиклантирилганда, буғдой донларининг сифат кўрсаткичлари доннинг натураси 9,4%га, шафофлиги ва клейковина миқдори 4,8% га, ИДК 13,5% га ва 1000 дона вази 5,7% га назоратга нисбатан ошганлиги аниқланди. Буғдой ҳосилдорлиги 53 ц/га ни ташкил қилди, назоратда - 48 ц/га ни ташкил қилганлиги ва 5 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги аниқланди. Олинган натижалар ўз навбатида оғир металллар билан зарарланган тупроқларда юқори ва сифатли буғдой маҳсулотини олиш имкониятини яратади.

Диссертациянинг олтинчи бобида «Саноат чиқиндиларини токсиклигини камайтирувчи янги авлод микробиологик ва органик ўғитлардан фойдаланиш» дала синовлари натижалари келтирилган.

2021-2022 йилларда саноат чиқиндилари билан ифлосланган тупроқлар шароитида кузги буғдой етиштиришда тупроқларнинг токсиклигини камайтириш ва ўсимликларни ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш мақсадида K-Gumat органик ўғити, Teria-S янги авлод комплекс таъсир этувчи бактериал ўғити, Serhosil биопрепаратларини алоҳида ва мажмуавий қўлланилиши синалди.

Тажриба вариантларида ўғитларни қўлланилиш схемаси:

1) назорат-минерал ўғит билан тупроқларга ишлов бериш - $N_{150}P_{250}K_{65}$ кг/га;

2) тажриба- $N_{150}P_{250}K_{65}$ кг/га+K-Gumat органик ўғити билан тупроқларга экишдан олдин ишлов бериш (200 л/га);

3) тажриба- $N_{150}P_{250}K_{65}$ кг/га+Teria-S янги авлод комплекс таъсир этувчи бактериал ўғити билан буғдой уруғларига экишдан олдин ишлов бериш (1,5 л/га);

4) тажриба- $N_{150}P_{250}K_{65}$ кг/га+K-Gumat (200 л/га)+Teria-S (1,5л/га)+Serhosil (20л/га) билан ўсимликлар барглари орқали вегетация даврида 2 марта озиклантириш.

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда кузги буғдой етиштиришда тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларига NPK минерал ўғит, органик (K-Gumat) ва биологик (Teria-S бактериал ўғити ва Serhosil биопрепарати) ўғитларнинг таъсири ўрганилди (6, 7-жадвал).

6-жадвал

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда органик ва биологик ўғитларнинг тупроқларнинг агрокимёвий хоссаларининг ўзгаришига таъсири
(май, 2022 й.)

№	Тажриба вариантлари	ЕС 1:5 dS/m	ЕСе, dS/m	pH	Гумус %	Гумус углероди, % (C _г , %)
1	Назорат NPK	0,15±0,03	0,60±0,08	8,8±0,3	1,22	0,71
2	NPK + K-Gumat	0,13±0,04	0,52±0,03	8,7±0,4	1,37	0,91
3	NPK +Teria-S	0,12±0,06	0,48±0,06	8,6±0,2	1,75	0,80
4	NPK +K-Gumat+ Teria-S+ Serhosil	0,11±0,05	0,44±0,03	8,6±0,7	1,56	1,02

6-жадвалдаги маълумотларига кўра, назорат вариантыда тупроқларни қатламларида гумус миқдори 1,22% ни ташкил этди, бу кўрсаткич минерал ўғитлар, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil мажмуавий қўлланилган тупроқларда 0,34% га ошган бўлиб 1,56% ташкил қилди. NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil комплекс қўллаш вариантыда шўрланиш даражасининг пасайиши (ЕС ва ЕСе) назоратга нисбатан 26,6% га камайди. Бу, ўз навбатида, саноат чиқиндилари билан ифлосланган тупроқларнинг унумдорлиги ва экологик ҳолатининг яхшиланишидан далолат беради.

7-жадвал

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда органик ва биологик ўғитларнинг тупроқлардаги N, P ва K миқдорларига таъсири (май, 2022 й.)

№	Тажриба вариантлари	N		P		K	
		Умумий %	Харакатчан N-NO ₃ , мг/кг	Умумий %	Харакатчан P ₂ O ₅ , мг/кг	Умумий, %	Харакатчан K ₂ O, мг/кг
1	Назорат NPK	0,089	11,4±0,4	0,146	8,6±0,6	0,87	321±5
2	NPK+K-Gumat	0,091	13,5±0,5	0,15	9,8±0,5	0,96	331±2
3	NPK+Teria-S	0,11	19,4±0,6	0,16	13±0,7	1,06	407±3
4	NPK+K-Gumat+Teria-S+Serhosil	0,12	14,6±0,6	0,165	15,7±0,5	0,98	388±4
	РЭМ	0,09-0,12	30-50	0,21-0,26	46-60	1,8-2,4	301-400

8-жадвалдаги маълумотларига кўра, назорат вариантыни тупроқларида умумий азотни миқдори юқори қатламлар бўйича назоратда 0,089% ни ташкил этиб, меъёрдан кам миқдорга тўғри келади, NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси минерал ўғитлар фонида қўлланилган тупроқларда бу кўрсаткич 0,109% ни ташкил этиб, меъёр даражасига чиққанлиги аниқланди. Худди шунингдек, ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган азотнинг ҳаракатчан (N-NO₃) шакли, назоратда 11,4 мг/кг ни ташкил этган бўлса, NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси қўлланилган тупроқларда назоратга нисбатан 21,9% га ошганлиги аниқланди.

Назорат вариантыда умумий фосфор миқдори юқори қатламларида 0,146% бўлиб, меъёрдан кам миқдорга тўғри келади, NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси қўлланилган тупроқ шароитларда назоратга нисбатан 11,5% га ошганлиги аниқланди. Шунингдек, ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган фосфорнинг ҳаракатчан (P₂O₅) шакли, назоратда 8,6 мг/кг ни ташкил этган бўлса, NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси қўлланилган тупроқ шароитларида назоратга нисбатан 45,2% га ошганлигини аниқланди.

Назорат вариантыда умумий калий миқдори юқори қатламларида 0,87% бўлиб, меъёрдан кам миқдорга тўғри келади, NPK, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси қўлланилган тупроқ шароитларда назоратга нисбатан 11,2% га ошганлиги аниқланди. Шунингдек, ўсимликлар томонидан ўзлаштириладиган калийнинг ҳаракатчан (K₂O) шакли, назоратда 321 мг/кг

ни ташкил этган бўлса, минерал ўғити, K-Gumat, Teria-S ва Serhosil ўғитлар мажмуаси қўлланилган тупроқ шароитларида назоратга нисбатан 17,3% га ошганлигини аниқланди.

Тупроқларнинг унумдорлигига асосий агрономик муҳим тупроқ микроорганизмларининг миқдорини кўрсатгичи асосийларидан бири ҳисобланади, чунки ўсимликларга фойдали макро-микроэлементларни етказиб беришдаги роли катта.


8-жадвал

Оғир металллар билан ифлосланган тупроқларда кузги буғдой ўсимлигини етиштиришда органик ва биологик ўғитларнинг тупроқдаги асосий агрономик муҳим микроорганизмларининг миқдорига таъсири (КХБ/г тупроққа, май, 2022 й.)

№	Тажриба вариантлари	Аммонификаторлар	Фосфорпарчаловчи бактериялар	Калий парчаловчи бактериялар	Олигонитрофиллар	Микромицетлар	Актиномицетлар
1	Назорат NPK	$2,0 \times 10^6$	$2,2 \times 10^3$	аниқланмаган	$6,9 \times 10^5$	$7,5 \times 10^4$	$2,2 \times 10^2$
2	NPK+K-Gumat	$4,1 \times 10^6$	$3,7 \times 10^3$	$1,7 \times 10^2$	$7,2 \times 10^5$	$5,3 \times 10^4$	$4,3 \times 10^2$
3	NPK+Teria-S	$3,8 \times 10^8$	$6,6 \times 10^5$	$2,5 \times 10^3$	$4,8 \times 10^7$	$1,4 \times 10^3$	$7,7 \times 10^4$
4	NPK+K-Gumat +Teria-S	$7,4 \times 10^8$	$7,2 \times 10^6$	$1,8 \times 10^4$	$9,3 \times 10^7$	$1,1 \times 10^3$	$8,6 \times 10^4$
